

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

*УДК 338+658:3*

**Соибов Жамшид Рахматқулович**

**Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини**

**қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ўрни**

**(АТБ “Қишлоққурилишбанк” Тошкент вилояти Оҳангарон филиали**

**маълумотлари асосида)**

**5А230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий рахбар:**

**н.ф.д., проф. Н.Сирожиддинов**

**Тошкент – 2018**

Диссертация ишида куйидаги асосий масалалар хал этилди: минтакада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг кредитларидан самарали фойдаланишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганилди; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банклари кредитларини жалб этиш ҳолатини аниқланди. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банклари кредитларидан самарали фойдаланишга кўмаклашади.

In this dissertation the following tasks has been done: the theoretical and methodological foundations of the effective use of commercial bank loans for the creation of industrial production on the basis of the localization program are studied; revealed the state of involvement of commercial banks' loans when creating production of industrial enterprises.

The use in practice of scientific proposals and practical recommendations developed in the process of research can assist the effective use of commercial bank loans in the creation of industrial production.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган. 18-сонли баённома «17» май 2018 й.

Илмий раҳбар: проф. Н.Сирожиiddинов

Сирожиддинов 11.05.18  
ИМЗО сана

Магистр: Соибов Ж.

Соибов Ж. 11.05.18  
ИМЗО сана

**“Химояга тавсия этилади”**

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси  
муздари, доц. И.Хотамов Хотамов

“11” май 2018 йил

Химоя 2018 йил “21” 06 соат 19<sup>00</sup> да Тошкент давлат  
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

## М У Н Д А Р И Ж А:

	Кириш.....	4
I Боб.	Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда банкларнинг ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	11
1.1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари.....	11
1.2.	Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари орқали молиялаштиришнинг назарий ва услубий асослари.....	24
	<b>Биринчи боб бўйича хулоса.....</b>	<b>31</b>
II Боб.	Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уни молиялаштириш ҳолати (АТБ “Қишлоққурилишбанк” Тошкент вилояти Оҳангарон филиали маълумотлари асосида).....	33
2.1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти кўрсаткичлари таҳлили.....	33
2.2.	АТБ “Қишлоққурилишбанк” фаолияти тавсифи ва иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	43
2.3.	АТБ “Қишлоққурилишбанк” Тошкент вилояти Оҳангарон филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш ҳолати таҳлили.....	55
	<b>Иккинчи боб бўйича хулоса.....</b>	<b>65</b>
III Боб.	Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини ошириш йўллари.....	66
3.1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини ошириш йўллари.....	66
3.2.	Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришини ривожлантириш йўналишлари.....	71
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	78
	<b>Хулоса ва таклифлар.....</b>	<b>79</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>82</b>

## Кириш

**Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Мамлакат иқтисодийётини янада барқарор ривожлантириш ва ўзгартириш учун амалга оширилаётган вазифалардан энг муҳими, давр талабига тўлиқ жавоб бера оладиган банк тизимини ривожлантиришдан иборат. Жаҳон талабига тўлиқ жавоб берадиган саноат тармоқлари корхоналарини банкларнинг молиялаштириш сиёсати орқали саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишда тижорат банклари кредитларидан самарали фойдаланиш муҳим ва долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестиция фаолиятини тубдан ислох қилиш борасида қуйидаги фикрлари яъни, “Йил давомида биз учун гоят муҳим бўлган янги иш ўринларини ташкил этиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлди. 2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди” дея таъкидлаб ўтилган<sup>1</sup>.

“Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларимиз халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий ифодасини топмоқда. Ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки «Бизнес юритиш» рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. «Кичик

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи. 23 декабрь, 2017 йил.